

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ – ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУҲИМ МАДАНИЙ ОМИЛ (Сурхондарё вилояти қўғирчоқ театри мисолида)

Жўраева Хулкар

Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институти мустақил изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада қўғирчоқ театри санъатининг ижтимоий-эстетик аҳамияти, унинг болалар маънавий дунёсини шакллантиришидаги ўрни ҳамда Сурхондарё вилояти қўғирчоқ театрининг ташкил топиши ва фаолияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. Шунингдек, қўғирчоқ театрининг бадиий хусусиятлари, болалар психологиясига таъсири ва замонавий тараққиёт тенденциялари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Қўғирчоқ театри, театр санъати, эстетик тарбия, болалар психологияси, маданият, сахна, ижодий фаолият, Сурхондарё.

Қўғирчоқ театри инсон ҳаёти, ижтимоий муносабатлар ва ахлоқий қадриятларни бадиий образлар орқали ифода этувчи ўзига хос санъат тури ҳисобланади. Унинг асосий хусусияти жонсиз қўғирчоқларга ҳаёт бахш этиш орқали томошабин қалбига таъсир ўтказишида намоён бўлади. Мазкур санъат тури, айниқса болалар учун муҳим бўлиб, уларнинг дунёқарашини шакллантириш, эстетик дидини ривожлантириш ва ахлоқий тарбия беришда самарали восита сифатида хизмат қилади.

Қўғирчоқ театрининг келиб чиқиши қадимий даврларга бориб тақалади ва у дастлаб халқ оғзаки ижоди ҳамда маросимлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Вақт ўтиши билан у такомиллашиб, профессионал театр санъати даражасига кўтарилди. Марказий Осиё ҳудудида ҳам қўғирчоқ театри анъаналари мавжуд бўлиб, мустақиллик йилларида ушбу санъат турига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Қўғирчоқ театрининг бадиий хусусиятлари унинг бошқа театр турларидан фарк қилишини таъминлайди. Унда шартлилик ва рамзийлик устун бўлиб, образлар содда, бироқ таъсирчан шаклда ифодаланади. Қўғирчоқларнинг ҳаракати, актёрнинг овози, мусиқа ва сахна безаклари ўзаро уйғунлашган ҳолда ягона бадиий муҳитни яратади. Кўп ҳолларда бир қўғирчоқ бир нечта актёр томонидан бошқарилиши жамоавий ижоднинг муҳим кўриниши ҳисобланади.

Қўғирчоқ театри болалар психологиясига чуқур таъсир кўрсатади. Болалар қахрамонлар орқали яхшилик ва ёмонликни фарқлашни ўрганади, уларга тақлид қилиш орқали ижобий фазилатларни ўзлаштиради. Шу билан бирга, спектакллар болаларнинг ҳиссий ва интеллектуал ривожланишига хизмат қилади. Замонавий

болаларнинг таҳлил қилиш қобилияти юқори эканлиги сабабли, театр ижодкорларидан ҳар бир сахна асарини мазмунан пухта ва мантиқан асосланган ҳолда яратиш талаб этилади.

Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри мамлакатимизда болалар маданиятини ривожлантиришга қаратилган муҳим маданий муассасалардан бири ҳисобланади. У 2001 йил 26 ноябрда ташкил этилган бўлиб, бу сана вилоят маданий ҳаётида муҳим воқеа сифатида қайд этилди. Театрнинг ташкил этилиши болалар ва жамоатчиликнинг кўп йиллик орзуларининг рўёбга чиқиши бўлди. Театр учун ажратилган бино аввал кинотеатр сифатида фойдаланилган бўлиб, қайта таъмирлаш ишларидан сўнг замонавий талабларга жавоб берадиган маданий масканга айлантирилди.

Театр жамоаси асосан ёш ва иқтидорли мутахассислардан ташкил топган бўлиб, улар орасида тажрибали режиссёрлар ва актёрлар ҳам мавжуд. Ижодий жараёнда ҳар бир спектакл учун махсус сценарий ишлаб чиқилади, қаҳрамон кўғирчоқлар яратилади ва сахна ҳаракатлари пухта режалаштирилади. Бу эса спектаклларнинг бадиий савиясини таъминлашга хизмат қилади.

Театр репертуари асосан болаларга мўлжалланган бўлиб, унда халқ эртаклари, замонавий асарлар ва тарбиявий мазмундаги сахна кўринишлари ўрин олган. Ушбу спектакллар орқали болаларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва табиатга меҳр каби фазилатлар шакллантирилади. Шу жиҳатдан кўғирчоқ театри тарбиявий аҳамиятга эга муҳим ижтимоий институт сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўғирчоқ театрлари тизими кенгайиб, турли ҳудудларда самарали фаолият юритмоқда. Бу эса мамлакатда ёш авлод тарбиясига давлат даражасида катта эътибор қаратилаётганлигининг ёрқин ифодасидир. Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри ҳам ана шу жараёнда фаол иштирок этиб, болалар маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кўғирчоқ театри санъати болалар тарбиясида бекиёс аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат эстетик завқ бағишлайди, балки инсонпарварлик ғояларини шакллантиришга хизмат қилади. Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри мисолида бу санъат турининг амалий аҳамияти ва самарадорлиги яққол намоён бўлади.